



Жалқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 17 апрель, №82 (3194)

Пайшанба

Фурсат кутиб турмайди

Баҳорнинг бир куни йилга татийди. Наманганда ўтказилган фаоллар йиғилиши қатнашчилари вилоятда дала ишларининг боришига баҳо берад эканлар, ана шу масалага эътиборни қаратдилар. Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков раислигида ўтказилган мазкур йиғилишида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлари, қишлоқ ҳўжалиғига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг раҳбарлари, деҳқон ва фер-

мер ҳўжаликларини мутасаддилар иштирок этиштиди. Йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ ҳўжалиғига ислохотларни чуқурлаштиришни энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Унда вилоятда ғалла парвариши ва чигит экишнинг бориши атрофида таҳлил қилиниб, бу боралари камчиликлар ҳам алоҳида таъкидланди. Жумладан, бир қатор туманларда экиш ишлари

туғалланганига қарамай Поп ва Чустда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги танқид остига олинди.

Йиғилишида бутун куч ва имкониятларини сафарбар этиб, экиш ишларини жаддалаштириш ва бу тадбирни қисқа муддатларда ниҳоясига етказиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими Т.Жабборов қатнашти.

Қ.НАЖМИДИНОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

Жамиятни демократлаштириш — инсонни ҳимоялашдир

Навоний вилояти ҳокимлигида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Корнел Аденауэр фондининг махсус мухтор вакили доктор Кайнц Бюлер, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, но-

давлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази раҳбари Акмал Саидов, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова ва бошқаларнинг маърузалари тинланди.

Анжуманда қатнашган ҳокимлик бошқаруви идо-

ралари, сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш ва жамоат бирлашмалари раҳбарлари, ҳуқуқшунослар мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ҳалқимиз манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Абдувоҳид ПИРМатов,
«Жалқ сўзи» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органларининг жорий йил дастлабки чораги яқунлари ва талдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, солиқ ва валюта қонунчилигини мустақамлаш борасида амалда оширилаётган ишлар аниқланаётган ва қўзғатилган жинсий хатти-ҳаракатлар соғина қараб эмас, аввало, профилактика ва ҳуқуқ тарбияоти ишлари самаралдорлигига боғлиқлиги боис, департамент органлари ходимлари бу масалага, айниқса, жиддий ёндашмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, солиқларни тўлашдан бош тортидан ҳамда иқтисодий эҳтиёт оид бошқа жиноятлар учун жаза муқаррарлиги тушунча-

сини тарбиялаш борасида солиқ тўловчилар билан мунтазам равишда учрашув ва семинарлар ташкил этиляпти.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ҳуқуқ тарбияоти ва қонунлар моҳияти акс этган мақолалар ҳамда йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликлар юзасидан танқидий чиқишлар ҳам яхши самара беришмоқда. Бундай ошқоралик ҳамда тармоқларда ўрнатилган «Ишонч телефонлари» кўмағида солиқ тўловчилардан 950 миллион сумдан зиёд маблағ иختиёрий равишда давлат бюджетига тўланди.

Аммо амалда оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан даромадларини солиқдан яшириш мақсадида назорат-касса машиналарини ишламай, тушумларни банкка топширмас-

лик ҳамда улгурчи савдо талабларини бузиш ҳоллари ҳамон учраяпти. Биринчи чорак якунига кўра, 8,9 миллиард сум миқдориди ана шундай 677 қонун бузилиши ҳолати аниқланди. Сифатсиз пахта ёғи, алкоғолли ва турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарилган 264 яширин цех фаолияти фож этилди. Ноқонуний муомалада бўлган ҳўжалик катта миқдордаги мулк ва миллий валюта маблағлари аниқланиб, суриштирув ишлари олиб борилди.

Йиғилишида соҳада кадрлар касб-маҳоратини яндоқ ошириш, иқтисодий, солиқ ва валютага оид содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни тезла бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белги-

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.



Баҳорнинг ҳар дами ганиматлигини деҳқонлар яхши билишади. Шеробод туманидаги Нуриддин Муродов номидаги ширкат ҳўжалиги эъзолари ҳам шунга амал қилиб, баҳорнинг ҳар бир дақиқасидан унмули фойдаланмоқдалар. Айни пайтда жамоада чиқит эчки қизғин паллага кирган. Барча ишчи кучи, техника воситалари ушбу мавсумга жабл қилинган. Мавжуд 1900 гектар майдонга гузининг

истиқболли, эртапишар ҳисобланган «Бухоро-Б» нави уруғи қаймоққа. Мазкур юмшакларда механизатор Панжи Чориевнинг ҳиссаси катта бўлиб, муҳими, у ҳаммасбаража ўриқ бўлмоқда.

СУРАТДА: механизатор Панжи Чориев.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА)
олган сурат.

ЎЗБЕК ХОНАТАСИ ҲИНД ЎЛКАСИДА

Мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонасида машҳур ҳинд Ashita & Seeta модалар компанияси билан ҳамкорликда «Баҳор келинчақлари - 2003» деб номланган маданий тадбир ўтказилди. Юқори даражада безатилган кенг ва шимам савдосида замонавий ҳинд либослари билан бирга ўзбек ипаги — хонатадан ҳинд чеварили тикан замонавий либослар, аёлларнинг буюрча зарбон кийимлари ва дўпбалари зўр муваффақият билан намойиш этилди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан қўзғалган асосий мақсад ўзбек миллий либосларининг ўзини хос ва бетакор жиҳатларини ҳинд замонада намойиш этиш эди. Республикаимизнинг «Ўзбек ипаги» уюшмаси ран-баранг ўзбек атласлари ва бошқа турли миллий сержило матоаларни Деҳлига етказган ҳолда ушбу тадбирни муваффақиятли ўтиштига катта ҳисса қўшди.

Шухрат УМИРОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

Савдо ярмаркаси

Андижоннинг марказий савдо дўконига очилган янги ярмаркасида ташир буюрлардан чироғли, пишпик, арзон маҳсулотларни қўриб, илқ фикр билдирилди.

Савдо ярмаркасида «Маданият индустрияси», «Отин дери», «Анқотекс», «Олтинку», «Антекс», «Булдоқбой ипаги» «Тошўқимани», «Намангантекстиль» каби корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш қилинмоқда.

Шунингдек, «Кувасой чиниси», «Хива гилами» корхоналарининг буюмлари, Тошкенттаги «Тонг», «Юлдуз», Намангандаги «Муштарий» ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда кўшама корхоналарнинг тури-туман сифатли маҳсулотлари ҳам ишбилармон ва харидорларга маъқул бўлди.

О.ШОДНОМАЛИБ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

БЎЗЛАЁТГАН БЎЗ ЕРЛАР

Водий қўриғи — Марказий Фарғона ерларини комплекс ўзлаштириш бошланганга ярим асрдан ошди. Утган йиллар мобайнида куш ұса қаноти, одам јурса оёғи қуддиган биёбон чўл бунёдкорларнинг гайрат-шижоатлари туфайли ям-яшил экинзорлар ва бог-роғларга айланди. Афсуски, соёқ шўро тузуми даврида табиатнинг инжиқликларини, унинг рисолаларда битилмаган қонун-қоидаларини менсимай амалга оширилган ишлар охир-оқибат ўз асоратини кўрсатапти. Мажбурий инфратузилмалар, чўл шамоллари, табиий эрозия оқибатлари ҳисобга олинмаган жойларга яна чўлнинг азалий киффасио манзараси қайтмоқда.

Йиллар мобайнида бу кумлар оёд қишлоқларни босиб, улар ўрнида поёнсиз саҳролар, қумтепаликлар, тақир манзилларни пайдо қилди. Кенсаларнинг айтишича, азим Сирдарё водийни қоқ иккига бўлиб, Шарқдан Фарбога қараб оқди. Сўнгра эса Қайроққум дараси орқали Мирзачўлга, ундан эса Қозғистон орқали Орол денгизин саринипти. Сирдарё Қайроққум сув омборига қуйилишда бирданга чапта, жанубга қараб бурилади. Тўрт-беш километрдан кейин эса яна ўз узанида давом этади. Марказий Фарғонанингу ўзлаштирилиши туфайли ерда, шунингдек, ўилаб катта-кичик каналлар, ташламалар бунёд қилинган. Буларнинг барчаси қўриқдаги кумларни ювиб, дарё-

нинг қанчалик тўғри эканлигини аниқлаш олимлар, мутахассислар, ирригаторлар ҳўкмига ҳавола, албатта. Бироқ ҳар йили Марказий Фарғонанингу бир неча воқаларидда кучли шамоллардан сўнг янги кум барханлари пайдо бўлиши бор ҳақиқат.

Демак, Марказий Фарғона ерларинингу ўзлаштирилишида табиатнинг мана шу ўзига хос ҳодисаси тўла ҳисобга олинмаган. Шу ту-

Яхшидир ачкач қақиқат

файли ҳам Марказий Фарғонанингу ғарбий қисми ҳисобланган Сариқамши, Аччиққўл, Янги қадам, Толқуққум, Сарсонқум массивларида деҳқонлар ҳар йили янгидан ер ўзлаштиришга мажбур бўлишапти. Ҳозирги кунда Фарғона вилоятинингу Марказий Фарғона ерларинда деҳқончилик қилаётган 9 та тумани тасаруфидда 62 миnг гектардан зиёд майдон бор. Шунинг 47 миnг гектари экин экиладиган ерлар ҳисобланади. Бу — вилоятда деҳқончилик қилаётган майдонларинингу деярли

бешдан бир қисми дегани. Шу ерларнинг салкам 20 миnг гектарига чигит, 18 миnг 400 гектарига бошоқли дон, 7300 гектарига озуқа экинлари экиляпти. Вилоятда етиштирилган шоли ва полиз маҳсулотларинингу асосий қисми ҳам қўриқ ерлар ҳисобига тўғри келади. Умуман олганда, Марказий Фарғона пировард натижада водий деҳқончилигинингу марказига айланиши керак эди.

Таасуфуки, ҳозирги кунга келиб, водий Мирзачўли ўз зиммасига юкланган вазифани деярли удралай олмаляпти. Чунки ўзлаштирилган ерларнинг мелiorатив ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб бораляпти. Шамол эрозияси ўз кучини кўрсатапти. Фақат сўнгги йиллар нчида ўта шўрлангиш натижасида қишлоқ ҳўжалик экинлари экишга яроқсиз бўлиб қолган майдонлар 1780 гектарга етганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Бундан ташқари, 23 миnг гектардан зиёд майдоннинг шўри ювиламаса, деярли деҳқончилик қилиб бўлмайдди. Илғари бошоқли дон экиладиган

(Давоми 2-бетда).

Ҳар не истарсен, ўзунгдин истағил...

Буюк мутафаккир шоир Мир Алишер Навонийнинг ижоди — донишмандлик бўлоғи. Унинг ҳар бир фикри, ҳар бир сатри билан таъиншган китобхон ўзини хизирона ўғитта дуч келгандай ҳис этади. Жумладан, «Лисонут-тайр» достонидаги мана бу байтга қўлоқ тутиnг:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истағил.*

Ҳа, инсон боласи ниманики ору-хаёл қилмасин, қандай юксак мақсадларни олдига қўймасин, уларга, энг аввало, ўз шахсий интилиши, саъй-ҳаракатлари ердамида эришиши мумкин.

Умуман, Навоний инсон шахсига ва унинг имкониятларига ҳаминча ҳиссиз бир эҳтиром ҳамда ишонч билан қараган. Буюк шоир инсон ўзалигининг қамолотини тирик ҳаётнинг энг адолатли йўли ва таракқийнинг энг ишончли омилли, деб билади.

Кўнча тарих мобайнида шундай даярлик бўлдики, одам одам томонидан қўл қилинди, товардай сотилди, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқлари заррача инобатга олинмади, ҳис-туйғулари, орзу-хаёллари чекланди. Еки яқин ўтмишда, шўро тузумида инсон жамиятининг «бир винти, бурама гайкаси» деб саналди. Фуқаролар тақдирини авайланмади. Аксинча, улар турли усулларда таъқиб ва таъиқлар билан илора қилинди. Ҳеч бир аниқ далил-исботларга таянмаган, олий чакимчилик, иғво, туҳматга асосан онгли-пок маънавиятлик халқ намояналарини ҳисбага олинди, ўлимга ҳўкми этилди.

Табиийки, инсон шахсига, унинг ўзалигини поймол қилган жамият ва давлатнинг келажаги ҳам омонатдир. Шўро тузумининг 70 йилга етиб-етмаган шўқуҳсиз тақдирини бунинг далилидир.

XX асрнинг охири ўн йиллиғида мустақилликка эришган Ўзбекистон жамиятида инсон ўзалигини тиклаш ва ривожлантириш — таракқийнинг бирламчи ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб вазифадариан бирин сифатида қўйилди. Мамлакатимиз Президенти Исрол Каримов томонидан ишлаб, чиқилган ва амалиётга жорий этилган атрофчилик демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини яратиш концепциясида инсон омили марказий ўрин тутди. Бу концепцияга кўра, фақат инсон шахсининг ҳар тарафлама қамолот топшии, у ўзалигини эркин, мустақил ривожлантириши манбаидида жамият қосқилиши йўлига кирди.

Бир сўз билан айтганда, Навоний бобомизнинг «Ҳар не истарсен, ўзунгдин истағил» деган теран донишмандона фикри — ҳозирги Ўзбекистон жамияти ривожининг устувор қондаларига монанд. Энди инсон ўз ташаббускорлиги, талбиркорлиги, излашувчанлиги ва интилишлари учун кенг майдонларга эга. Ҳалики ҳаётда ерқин намоён этишга қаратилган ҳар бир хатти-ҳаракат давлатимиз томонидан атрофчилик қўллаб-қувватланмоқда. Мана, саккиз йилдан буюн мамлакатимизда «Энг яхши талбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши ҳўнарманд» номинациялари бўйича Президент соририлари учун қўриқ-танловлар ўтказиб келинмоқда. Илгор тадбиркорлар енгил автомобиллар билан мукофотланяпти. Мамлакат иқтисодиёти ва бошқа қосқаларни ривожлантиришда ташаббускорлик намуналарини кўрсатган кишилар «Ўзбекистон Қаҳрамони» фахрий унвонига, юксак ҳўкумат орденларига сазовор бўлмоқдалар. Ҳар тарафлама баркамол янги авлодларни тарбиялаб етиштириш, таълимни энг илгор ҳалқаро андозлар асосида тубдан ислоҳ қилиш, етук салоҳиятли ёшларни хорижий давлатларнинг нуфузли илм ва таълим марказларида ўқитиш кенг қўлама амалга оширилмоқда.

Ҳудуд, инсон ўзалигини ривожлантириш мустақил Ўзбекистон давлатининг устувор сисбатига айланди. Мамлакатимизда бу йўналишда олиб борилаётган кенг қўлама ва ерқин самарали фаолият натижаларини дўнб кўриб турибди.

Шу билан бирга, юртдошларимиз ҳазрат Навонийнинг «Ҳар не истарсен, ўзунгдин истағил» деган ўғити замиридаги юксак маъноларга алоҳида эътибор қилишлари лозим. Биз нега бундай демақомиз? Шундай ҳолларга дуч келишимизки, айрим тандошларимиз қалбини эгаллаган истақлар ниҳоятда майда, тўғриси, нима қилиб бўлса-да, пул топши, кун ўтарга яшашдан юқорироққа қўтарила олмаляпти. Ҳатто шу йўсиндаги қундалик-маиший истақ-хоҳишлари бодолларнинг вақти ҳам бағишланмоқда. Бозор ва бола — жиддий муаммолардан бирита айланаляпти. Улар мактабни қўйиб, бозор йўлқаларида сув-чой ташийди, юк арава сурдаи, сақич, pista, сигарет сотибди. Бундай қундалик ташвишлар билан яшашнинг келажаги йўқлигини бир тоифа ота-оналар тасанисга яхшилаб ўйлаб қўришмаляпти. Ҳар бир иш урини учун ҳаётда кураш, рақобат кулайиб бораляпти. Болалар бахтини уйласангиз, бундай вазиятда уларни ҳаётга тайёрлаб, билим-ҳўнар беринг.

Бежизга Навоний «Ўз вужудингга тафаккур айлагил!» демаляптилар. Биз мутафаккир шоиримизнинг ўғитини танамизда оёдлон ўйлаб қўриб, «Ҳар не истарсен, ўзунгдин истағил» деган фикрининг юксак маъноларини виждонан англашга интиломимиз фойдалан холи бўлмайдди. Инсон ўзалиги — унинг қалбидаги орзу ва мақсадларининг саломига қараб, турли даражаларда намоён бўлади. Майда тирикчилик ташвишлари — инсонни ҳам маънавландириб қўяди. Яшаш имконияти инсонга бир марта берилар экан, у ўзалигини юксак инсоний тамойилларда намоён этиш бахтидан маҳрум бўлмаляпти керак. Бундан ҳам инсон, ҳам жамият ютати.

Михил САҒАРОВ.



«Ўзқоммунизмат» агентлиғи:

Ўзғаришлар албатта бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Фармони ва Вазирилар Маҳкамасининг 463-сонли қарорига асосан, соёқ Коммунал хизмат кўрсатиш вазириликни тугатилиб, унинг неғизида «Ўзқоммунизмат» агентлиғи ташкил этилган. Ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари Коракалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бевосита қаромоғига топширилган. Бундан қўзғалган мақсад шаҳарлар ва туманларда коммунал-фойдаланиш бошқармалари фаолиятини самаралдорлигини ошириш ҳамда бозор механизмларини қулайтиришдан иборат. Энди бевосита «Ўзқоммунизмат» агентлигининг асосий вазифаларига тўхталсак, улар анчайин қўламли ва кенг миқёсдадир. Ҳусусан, аҳолини табиий ва суолтирилган газ билан ўзлуқсиз таъминлаш, минтақалараро сув қувурларининг барқарор ва ишончли ишлашига эришиш, минтақалараро коммунал газ сотиш тармоқларидан фойдаланиш ҳамда уларни ривожлантириш соҳасида ягона техниканий сисбатни шакллантириш ва ўтказиш, уларни барпо этиш борасида буюртма вазифаларини амалга ошириш, коммунал хизматни ислоҳ қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, бу бордаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, техниканий-иқтисодий шартларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш, давлат бошқаруви маҳаллий органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан коммунал хизмат соҳасида амалдаги қонунчиликда, белгиланган техник шартлар ва талабларга риоя

этилиши устидан назоратни амалга ошириш, тармоқча хорижий сармоялар ва технологияларни, жумладан, қўшама корхоналар ташкил этиш йўли билан жалб қилиш шулар сирасига кирди.

Утган давр мобайнида Агентлик жамоасини томонидан ана шу йўналишлар бўйича муайян ишлар амалга оширилди, албатта. Бироқ, шу билан бирга, ушбу тизимда бир қатор ечимини кутаётган муаммолар ҳам туپланиб қолганлиғи сир эмас. Шу боис Президентимиз Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил якунида бағишланган йилчицидаги маърузасида соҳадати камчиликларини кўрсатиб берди. Гап шундаки, жойларда сув, газ, иссиқлик каби ўта муҳим ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш масаласида оқосқликка йўл қўйилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳозир кўп қаватли уйлارнинг 91 фоизини қараб олган бўлса-да, уларни тузиш ва фаолиятини ташкил этиш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаляпти.

Шу йил 28 март кунин «Жалқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари билан «Ўзқоммунизмат» агентлиғи Боши директори Уткир Очилович Холмухаммедов уртасида бўлиб ўтган «Бевосита мулоқот» ҳам буни яна бир қарра тасдиқлади. Мулоқот асосида Тошкент шаҳри ва вилоятларда яшоечи фуқаролардан 40 дан зиёд саволлар тушган бўлса, уларнинг аксарияти мавжуд муаммолар ҳуосуида бўлди.

Газетанингу 3-соҳифасига қаранг.

Бевосита мулоқот белгиланган вақтдан анча олдин бошланди. Биринчи кўнрақ Тошкент шаҳридан бўлди.

Н. КУБИНИНА (Мирзо Улугбек тумани):
— Ассалому алайкум, Уткир Очиловчи! Сизга бир саволим бор: Ёлғиз нафақахўрларга ҳукумат томонидан коммунал тўловлар бўйича имтиёзлар белгиланганми?

— Қўратилган коммунал хизмат учун тўловларни амалга оширишда имтиёзлар фақат бошқа шахслар томонидан қаровга муҳтоб бўлган ёлғиз нафақахўрларга таълоқлидир.
А.ИВАНЕНКО, Мирзо Улугбек тумани «Хамма хизматлар» уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари:

— Амалдаги мавжуд қонуларга мувофиқ, айрим фуқароларга коммунал тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар натижасида келиб тушмайдиган маблағлар маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан қопланishi белгиланган. Ушбу маблағлар уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки маҳалла кўмиталари ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Амада эса юқоридаги маблағлар ўтказилмапти. Бунга муносабат билдиришигини сўрайман.

— Ҳақиқатан ҳам, амалдаги қонуларга мувофиқ, айрим фуқароларга коммунал тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар натижасида келиб тушмайдиган маблағлар уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳисоб рақамларига ўтказилиши зарур. Бироқ ҳозирга қадар ушбу маблағлар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмалари орқали йўналтирилган эди. Ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда Молия вазирлиги томонидан жорий йилнинг март ойида ҳудудий молия идораларига махсус хат жўнатилди. Унда юқорида қайд этилган маблағлар бундан буюн бевосита уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳисоб рақамларига ўтказилиши зарурлиги ҳақида кўрсатма берилган. Сиз мазкур масала бўйича Мирзо Улугбек тумани ёки Тошкент шаҳар молия идораларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Т.О.ИСОМБОВ (Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, «Қўнбаги» мавзеси, 7-уй, 64-хонадон, II гуруҳ ногирони):
— Мен узоқ йиллар давомида қурувчи бўлиб ишлаганман. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари мунтазам равишда коммунал тўловлар бўйича, жумладан, газ, иссиқ сув, иссиқлик таъминоти, электр қуввати учун нархларни ошириб келмоқда. Ушбу нархлар ким томонидан белгиланади?

Н.ТҲИЧЕВ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчаси, 32-уй):
— Аҳмад Дониш кўчасидаги канализация қудуқларининг қопқоғи йўқ. Биз бир неча бор Тошкент шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига мурожаат қилдик, лекин ҳеч қандай натижа бўлмапти.

— Бу саволини биз Тошкент шаҳар «Сув-соз» корхонасида йўллаганимиз ва ўйлашимизки, ақдан кунларда ушбу масала ижобий ҳал этилади.

Н.П.КАМЪЯТОВА, А.С.КИМ — Тошкент шаҳри, Полков БЕКЧОНОВ, Ёқутжон ХУДОЙБЕРГАНОВА, Робинжон БЕКЧОНОВА — Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, 15-маҳалла, П. Маҳмудов кўчаси:
— Газ ўлчаш асбобларини ўрнатилиши ҳақида тўлаш тартибини ҳақида бу борада мавжуд имтиёзлар ҳақида тушунишни беришингизни сўрайман.

ниш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, «Бошқоммунгаз» корхонаси томонидан сотиб олинган газ ўлчаш асбоблари аҳолининг кўп қаватли уйлардаги хонадонлари ҳамда хусусий уйларига ўрнатилди. Истеъмолчилар томонидан ушбу асбобларнинг ҳақи қарфолат мuddати мобайнида, ўрнатилган кундан бошлаб 5 йилдан ошмаган вақт давомида тўланиши белгиланган. Газ ўлчаш асбоблари ҳақининг истеъмолчилар томонидан тўланиши шартлари «Бошқоммунгаз» корхонасининг «Газтаъминот» шўъба корхоналари ва аҳоли ўртасидаги ушбу асбобларини ўрнатиши, унга техник хизмат кўрсатиши ва ундан фойдаланиш борасида тузилган шартномалар билан тартибга солинади.

Турди ОДИЛОВА —Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-даха, 5-уй, 3-хонадон; «Марказ-5» мавзеси, 63-64-уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар («Биринчи қаддиргоч» уй-жой мулкдорлари ширкати); Юнусобод тумани, 12-даха, 20-уй, 23-хонадонда яшовчи нафақахўр Н.Н. ВЕЛИЧКО, Юнусобод тумани, 6-даха, 34-уй, 67-хонадонда истиқомат қилувчи («Файз коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати) фуқаро РАЗУМОВСКИЙ, Г. Петров кўчаси, 1-уйда яшовчи И. БИРЮКОВА, «Галабанин 40 йиллиги» мавзе-

тартиқасида қуйидагиларни маълумот учун айтиб ўтишни лозим, деб ҳисоблайман: «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тасарруфидаги «Ўзкоммунқувахшилот» марказида «Мулоқот» клуби очилган бўлиб, унга мурожаат қилсангиз, коммунал соҳаси, жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти билан боғлиқ барча метёрий ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни, шунингдек, ушбу масалага доир амалдаги қўнучилик ҳақидаги маълумотларни олишингиз мумкин. «Мулоқот» клубининг мазлиси: Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 1-тор кўча, 5-уй, телефон рақами — 54-39-71. Клуб қошида «Тезкор алоқа» хизмати ҳам фаолият кўрсатмоқда. Телефон рақами — 54-39-67, ишлаш тартиби — дўшанба, чоршанба ва жума кунлари соат 10 дан 12 гача.

Г.СЕРЕДА (Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 10-уй):
— Биз бир қаватли, кўп хонадонли уйда истиқомат қиламиз. Аммо маънавий ҳаётимизда бу суяқ (ассенсация хизмати) чиқиндиларини олиб кетиш хизматлари жуда қониқарсиз ишалоқда. Чиқиндилар маҳалламиздан баъзан бир-икки, ҳатто 3 ойлаб олиб кетилмапти. Иккинчи саволим ичимлик суви масаласи ҳақида.

— Уй-жойга хизмат кўрсатишда рақобатчилик муҳитини ва муқобил тузилмаларни ташкил этиш;
— энергия ташувчиларнинг ҳисоблаш асбобларини ўрнатилиши;
— уй-жой фонднинг сақлаб турилиши устидан давлат назорати механизмининг ишлаш қилиши;
— соҳанинг зарарсиз ишлашига эришиш.

Булари билан барчаси тармоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, уй-жой фондига нисбатан мулкчилик шакли турлича бўлган ҳужалик механизмининг яратилиши зарурлигини таъқозо этмоқда. Шу мақсадда уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этишга биринчи даражада эътибор қаратишмоқда.

Чуқури уй-жой мулкдорлари ширкати уй эгаларини бошқаруви органларини ташкил этиш, шахсий маблағларидан самарали фойдаланиш борасида қарор қабул қилиш, шунингдек, ширкатлар раҳбарларининг маънавий ва функционал фаолияти бўйича ширкат аъзолари олдидagi ҳисоботини таъминлаш имконини беради.

бўлиши лозим. Амалдаги тартибга мувофиқ, бирор-бир уй-жой коммунал хизмат тури кўрсатилмас, хизмат кўрсатувчилар ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки уй эгалари ўртасида тузилган долатномалар асосида истеъмолчилар томонидан хизмат кўрсатишмаган кунлар учун ҳақ тўланмайди.

З.ЖДАНОВА (Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-даха, 37-хонадон), Т. В. ВАРГА («Қорасув» мавзеси, 4-даха, 1-уй, 109-хонадон):
— Бизнинг уй-жой мулкдорлари ширкатимизни ташкил этишда расмийлаштиришга йўл қўйилган. Фуқароларнинг мажлиси амалда ўтказилмасдан ҳокимлик томонидан раис тайинланган. Бунга муносабат билдиришингиз.

Г.ПОЛТАВЦЕВА, Юнусобод тумани «Тозалик сари» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:
— Ширкатларнинг фаолияти билан боғлиқ муаммолар жуда кўп. Уларнинг маънавий ишлари, айниқса, ҳокимликлар томонидан аралашини ҳоллари учраб туради. Ширкатларнинг ҳужжатлари, мажбуриятлари ва ушбу масалалар бўйича амалдаги мавжуд қўнучилик тўғрисида қаердан маълумотлар олиш мумкин?

— Фураатдан фойдаланиб, юқоридаги иккала саволга жавоб

Сиздан коммунал хизмат кўрсатиш харажатлари қандай шаклланишини тушунишни жуда кеч билдиришингизни сўрайман. Иккинчи саволим ички, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ этиш фақат уй-жой мулкдорлари ширкатларини тузиш билан боғлиқми ёки ушбу соҳада ислохотларнинг бошқа турларини амалга ошириш ҳам режалаштирилганми?

— Аввало, биринчи саволингиз ҳақида. Коммунал хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган харажатларни уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзолари, яъни аҳоли умумий мажлисларида белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, ушбу харажатлар, жумладан, бундан келажакда қўнучилик ҳамда метёрий мулкдорлари ширкатларини микдорини шу уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг ўзига боғлиқлидир.

Иккинчи саволингиз юзасидан эса шунини айтишим керакки, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислохотлар тегишли қўнучилар, фармонлар ва қарорлар ва бошқа қўнучилик ҳамда метёрий ҳужуқий ҳужжатларга асосан амалга оширилмоқда.

Коммунал хизмат кўрсатишдаги ислохотларнинг ҳозирги босқичида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш кўзда тутилган:
— хизматлар таннархини камайтириш;
— уй-жойга хизмат кўрсатишда рақобатчилик муҳитини ва муқобил тузилмаларни ташкил этиш;
— энергия ташувчиларнинг ҳисоблаш асбобларини ўрнатилиши;
— уй-жой фонднинг сақлаб турилиши устидан давлат назорати механизмининг ишлаш қилиши;
— соҳанинг зарарсиз ишлашига эришиш.

умумий фойдаланиш жойлари, яъни том қисми, ертўла, кириш қисми, ички ва ташқи муҳандислик коммуникацияларининг таъмири уй жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчилар томонидан ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан, аҳолининг кўрсатишган коммунал хизматлар учун тўловлардан келиб тушган маблағлари ҳисобига амалга оширилиши зарур. Сизнинг уйингиздаги мавжуд аҳолининг яхшилаш, биринчи навбатда, уйингиз жойлашган ҳудудда ташкил этилган ширкатнинг вазифаси. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикамизнинг барча ҳудудларида ҳозирги кунда шу хилдаги муаммолар мавжуд. Бунинг асосида аҳолининг ўз ҳуқуқларини талаб қилишда қатъийлилик, ўзи сайлайдиган ширкат раисларидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажаришда талабчанлик етишмаслиги ётади. Бундай вазиятда сизлар уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиб, тегишли қарор қабул қилишларингиз мумкин.

С. Н. БАРТАШОВА, нафақахўр (Тошкент шаҳри):
— Менда иккита савол бор: биринчиси — ҳозирги кунда аҳолининг кўпчилиги коммунал хизмат кўрсатиш учун тўловлар жуда юқори деб ҳисоблайди, шунинг учун

талаб этилади. «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган шiori бугун хусусий уйларнинг сақланишини таъминлаш жараёнининг барча иштирокчилари учун асосий шiori бўлиб қолди зарур.

Ф.С.ПРИЯТНОВ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 16-даха, 19-уй, 67-хонадон), В. П. РОТНИКОВА («Юнусобод» мавзеси, 16-даха, 18-уй, 29-хо-



надон):
— Уй ҳақи қайси тўловлардан иборат?
— Уй ҳақи» деган тушунча бизда 1993 йилдан бери умумолада йўқ. Коммунал хизматлар, яъни фойдаланган табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик таъминоти, маънавий чиқиндилар, оқова сув учун тўловлар мавжуд бўлиб, улар кўрсатишган хизматларнинг таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Уй-жойдан фойдаланиш харажатларига эса қуйидагилар кирди:

— уй ҳужалигини сақлаб туриш харажатлари;
— хизмат кўрсатувчи ходимларнинг сақлаб туришга сарфланадиган харажатлари;
— умумий фойдаланиш жойларини жорий таъмирлашга сарфланадиган харажатлари;
— умумий фойдаланиш жойларини капитал таъмирлашга сарфланадиган харажатлари;
— уй-жой мулкдорлари ширкатларининг машиналари, жиҳозлари ва инвентарини тиклашга сарфланадиган амортизация чегирамалари.

Уй-жойнинг ҳар бир квадрат метрига сарфланадиган фойдаланиш харажатларининг микдори (тарифи) эса ширкат аъзолари билан биргача ақдан жойлашган, умумий ер участкалари ва инфратузилмалари билан бирлашган уйларда ёки уйнинг кириш қисмида алоҳида бўлган бир қисмида тузилиши мумкин. Иккинчидан, «Бошқоммунгаз» корхонаси газ ўлчаш асбобларини республикадаги 10 та ишлаб чиқарувчида ҳамда кредит йўналиши орқали сотиб олади. Ушбу асбоблар ишлаб чиқарувчи заводлар нархларида, тендер асосларида харид қилинади. Барча газ ўлчаш асбобларининг мувофиқлик ва сифат сертификатига, шунингдек, ишлаб чиқарувчи заводнинг 2 йилдан 5 йилгача ишлаш қарфолат мuddатига эга.

Бозорларда сотиладиган газ ўлчаш асбоблари эса оладат сифати паст, ишлаб чиқарувчи заводнинг тўғрисида маълумот ва мувофиқлик сертификати ёрдамида ишлашнинг қарфолат мuddати йўқ. Учинчидан, коммунал хизматларнинг тарифларини ўрнатилиш тартиби табиий монополия субъектлари фаолиятларининг нархларини бошқариш бўйича ваколатли идораси бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

О.Г.РУСТАМОВА (Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, «Питнек» кўчаси, 7-уй):
— Меннинг уйимда 6 киши рўйхатдан ўтказилган, амада 3 киши ишаймиз. Қолганлари учун коммунал тўловларни тўлама-

ларга сарфланаётган харажатларнинг маълум қисми давлат томонидан қопланмоқда. Иккинчи саволимизга келсак, ҳозирча ўрта мақтаб ўқитувчиларига коммунал тўловлар бўйича имтиёзлар кўзда тутилмаган.

Ш.АБДУЛЛАЕВ (Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, «Қўнбаги» мавзеси, 2-уй, 61-хонадон):
— Назаримда, ширкатлар шо-

ликка ҳақим борми?
— Агар рўйхатда турган фуқаролар тегишли манзилда бир ойдан ортиқ вақт давомида яшамаса, ушбу ҳолат ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда, улар иссиқ ва совуқ сув, газ (ўлчаш асбоблари йўқ бўлса) таъминоти, чиқиндилар олиб кетиш учун ҳақ тўлашдан озод этилади. Ушбу асбоблари ўрнатилган тақдирда шу каби саволларга эҳтиёж қолмайди.

А.ҲОТАМОВ, «Народное слово» газетаси муҳбири:
— Чирчиқ шаҳрида иккита муқобил уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилган. Улар аҳолидан фойдаланиш харажатлари учун келиб тушадиган маблағлар ҳисобига воситачиларга, ўзлари сарф қиладиган материалларини сотиб олишди. Ҳатто бу ширкатларнинг таъмирлаш бригадалари ҳам бор. Охирида улар хизмат кўрсатаётган уйларнинг ҳолати анча яхшиланмоқда. Мухими, ширкатлар маблағлардан самаралироқ фойдаланишга эришмоқдалар. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан шу каби ширкатлар таъмирлаш оммалаштириш бўйича қандай ишлар олиб боришмоқда?

— Чирчиқдаги уй-жойларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича муқобил ширкатнинг иши чиндан ҳам эътиборга лойиқ. Бундай муқобил корхона ва ширкатларнинг таъмирлаш оммалаштириш мақсадида Агентлигимиз томонидан махсус мавзуддаги ўқув машғулоти, мунтазам равишда семинарлар ўтказилмоқда, оммавий ахборот воситаларида мақолалар чоп этилмоқда. «Мулоқот» клубида, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, коммунал корхоналар раҳбарлари ва аҳолини ўқитиш бўйича махсус ишлаб чиқилган дастурга асосан, семинар ва учрашувлар уюштирилмоқда. Фақатгина 2002 йилда 1000 дан ортиқ раҳбар ва ходимларнинг малакаси оширилди.

Т.О.РҲОВА (Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-даха):
— Даҳамиз ички ҳудудларининг кўриниши жуда ёмон аҳволда. Ушбу муаммолар ҳал этишга қилар мазасу ҳисобланадими?
— Даҳа ички ҳудудларининг ёртилиши ва ободонлаштириш ишлари учун уй-жой мулкдорлари ширкатлари, тумандаги ташқи ёртилиш ва ободонлаштириш хизматлари масъулдирлар.

И.ИБРАГИМОВ (Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани):
— Мен кўп қаватли уйнинг бурчагида, иккинчи қаватда яшайман. Биринчи қаватдаги қўнмиш ўз ҳолида уйни таъмирлади ва айвон тасдиқа, пойдеворни бузган ҳолда ертўла қолади. Бунинг натижасида меннинг хонадоним деворлари ёриқлар пайдо бўлди, эшик ва рақлар қийшайди. Ушбу масала бўйича қаерга мурожаат қилсам бўлади?

— Сиз суд идораларига мурожаат қилишингиз зарур. Чунки уй-жой масалаларидаги баҳслар суд орқали ҳал этилади.

СЎНГИ СЎЗ. Кўриб турибдики, Агентлик Бош директори телефон орқали бевосита сўхбат чоғида газеточиларини жавоб бериб, жойларда мавжуд муаммоларни тез орада ҳал этишга қатъий ишонч билдирибди. Паровардида газеточиларини мажмур Агентликнинг асосий вазифалари билан таништиришга қаратилган, балки коммунал хизмат ва тўловлар ҳақидаги ўз ҳуқуқларини ҳам билиб олдилар, аниқроғи, бу борадаги билимларини бirmунча бойштирибди.

Яна бир эътиборли жиҳати шунки, бевосита мулоқот ўтказилган кунини Бош директор бизга «Агентликда шу буғуноқ махсус ички суруқ тузишим, унинг аъзолари қисқа мuddат ичида республика аҳолисини ташкил этишга ва ишонқларини текшириш, натижасини таҳририятга маълум қилишлар» деб ваъда берган эди. Кунини кеча ана шу маълумотни олдиқ. Унда айтилишича, суруқ аъзолари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб, 15 нафар кишининг ариза ва шикоятларини ўрганишда бироқ далиллар ўз ичига олган. Уларнинг бир қисми жойида ҳал этилган, қолганларининг ижроси эса ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари назоратида турибди.

Икром ҲАЙДАРОВ, Саидомил ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари. Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги: ЎЗГАРИШЛАР АЛБАТТА БЎЛАДИ

Мулоқот давом этади
Навбатдаги «Бевосита мулоқот» Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди раиси Мирзо-Улугбек Элчиёвич АБДУСАЛОМОВ билан ўтказилади.

Бугунги кунда «Ўзбектеlevision» ижодкорлари томонидан бир қатор янги видео ва бадиий фильмлар яратилмоқда. Бу ҳолат, айниқса, кейинги уч-тўрт йил ичида янада яққол намоён бўлаётди. Бугунги кун қаҳрамонини кўрсатиш, оддий одамлар кўнглида ана шу сиймоларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотиш, кишиларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш мана шундай фильмларнинг бош мақсадидир.

«АКАДЕМИЯ»

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Ўзбектеlevision» ижодкорлари томонидан ишланган янги «Академия» видеофильмининг ҳам айтиш шоярларини илгаридан суратга олишнинг мазкур фильм истиснолиги меваси бўлиши Ички ишлар назоратининг академияси ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Фильмда 5 нафар йигит академияга ўқишга кириб, дўстлашиб қолишади. Асар марказидан бўлса салқатли дўстларнинг тақдир орқали муаллиф ҳуқуқ ва кишилар осойишталигини таъминловчи милиция ходимларининг мураккаб ўқиш ва иш жараёни ҳамда ҳаётда урайдиган қийин вазиятлар ҳусида фикр юритган.

Айтиб ўтиш жоизки, ёзувчининг ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳаси ҳаётининг яхши билиши фильмда яққол намоён бўлган. Шундан бўлса

керак, мазкур фильм бошқаларига қараганда анча ишонарли ва табиий чиққан. «Академия» фильмининг янада қизиқарли кўрсатилган жиҳат — бу айрим қаҳрамонларнинг севи-муҳаббат бодаги фикр юриштилари, шу йўлдаги интилишларини

ўзида мужассам этганидандир. Қолаверса, ушбу асар кишиларни инсонийлик, меҳр-оқибат каби фазилатларга чорлайди. Ешларни жисмонан бақувват, руҳан чивикқан, зийрак ва тетик бўлишга ундайди.

Фильмда Рихис Иброҳимова, Турғун Азизов, Эркин Комиллов, Мурод Ражабов каби таниқли актёрлар қатори истеъодли ёш актёрлар Фахриддин Шамсиматов, Илмира Раҳимжонова, Азамат Қаландаров ва бошқалар иштирок этган.

Мазкур видеофильм 4 қисмдан иборат бўлиб, тез кунларда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилиши кўзда тутилган.

Ўз муҳбиримиз.

ШАМСУДДИНХОН БОБОХОНОВ



Мамлакатимиз фани ва маданияти оғир жудодликка учради. Таниқли олим, дипломат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг маслаҳатчиси Шамсуддинхон Бобохоннов 67 ёшида вафот этди.

Шамсуддинхон Бобохоннов 1937 йил 8 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. 1960 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини тамомлаб, Москвадаги шарқшунослик институтини, Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳридаги «Ал-Азхар» университетини таъсис олди. 1973 йилда «Араб тилида сонлар категорияси» мавзусидаги номзодлик ишнини ҳимоя қилди.

1974 йилдан 1982 йилгача Ўрта Осиё ва Қозғистон муслмонлари диний бошқармасида илмий ходим, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтининг мудири бўлиб ишлади.

Ш. Бобохоннов 1982-89 йилларда Ўрта Осиё ва Қозғистон муслмонлари диний бошқармасининг раиси, муфтий лавозимида ишлаган пайтларида миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, халқимизни бой маданият меросимизга ҳурмат-

эҳтиром руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшди.

У 1989-94 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтини катта илмий ходим ва Мовароуннаҳр муслмонлари идораси раисининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилиб, ўлкамиздан етишиб чиққан улғу алломаларнинг илмий меросини тадқиқ этиш ва оммалаштириш ишларини амалга оширди.

Республикамиз ўз миллий мустақиллигига эришгандан сўнг Ш. Бобохоннов ташқи сийосатимизни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатларда Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрўсини юксалтириш йўлида самарали меҳнат қилди. 1994-2001 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги, Саудия Арабистони Подшоҳ-

лигидаги Фавқулода ва Мухтор элчиси, Республика Ташқи ишлар вазирининг Алоҳида ишлар бўйича элчиси лавозимларида ишлаб, чет давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, юртимизда эришилаётган ютуқларни тарғиб этишда катта хизмат қилди.

Ш. Бобохоннов жамоатчилик ва дипломатик фаолиятини илмий изланишлар билан бирга олиб борган олим сифатида ҳам катта ҳурмат қозонди. Айниқса, унинг «Буюк муҳаддислар халқларaro дўстлик ва тотувлик ҳақида» асари, қатор илмий ва илмий-оммабоп китоблари республикамизнинг маънавий-маърифий ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Дунёвий ва диний илмларни уйғунлаштириш соҳасидаги катта хизматлари учун Ш. Бобохоннов бир қанча хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мукофотлари билан ҳам тақдирланган эди.

Таниқли олим, фаол жамоат арбоби, ажойиб дўст ва меҳрибон инсон Шамсуддинхон Бобохонновнинг ёрқин хотираи қалбимизда сақланиб қолади.

Бир гуруҳ дўстлари.

American Bar Association
Central European and Eurasian Law Initiative
A Project Developed by the Section of International Law and Practice

CEELI
Promoting the Rule of Law

The American Bar Association's Central European and Eurasian Law Initiative (ABA/CEELI) seeks a **Senior Legal Specialist** for immediate hire in its Tashkent office.

The successful candidate must have:

- A law degree and a minimum of five years professional legal experience in Uzbekistan
- Trilingual (working level fluency) in Uzbek, Russian, and English, with excellent written and spoken English essential
- Excellent contacts with the legal/judicial community in Uzbekistan
- Demonstrated commitment to the ideals of ABA/CEELI and its policies and objectives
- Outstanding interpersonal and diplomatic skills, with proven ability to foster a team-oriented work environment
- Leadership, maturity and professionalism to represent the organization to high level officials
- Experience supervising an office staff, with strong communication and delegation skills
- Ability to work at times for extended and unpredictable hours and to travel frequently

The ideal candidate also will have:

- Advanced law degree
- Legal education and/or legal professional experience at the international level
- Experience working with the international donor community in Uzbekistan

Please send a cover letter and curriculum vitae via fax to 152-74-77 or via email to Indira@abaceeli.uz. Telephone inquiries will not be accepted.

Application deadline: April 25, 2003

American Bar Association
Central European and Eurasian Law Initiative
A Project Developed by the Section of International Law and Practice

CEELI
Promoting the Rule of Law

The American Bar Association's Central European and Eurasian Law Initiative seeks an experienced **Administrative Assistant** for immediate hire in its Tashkent office.

The successful candidate must have:

- A minimum of five years experience as an administrative assistant, program coordinator, or office manager for an international organization or similar international office
- Trilingual (working level fluency) in Uzbek, Russian, and English, with excellent spoken and written English and Uzbek required
- Outstanding organizational skills and ability to execute multiple and varied tasks under tight deadlines
- Outstanding interpersonal and diplomatic skills, with proven ability to foster a team-oriented work environment
- Demonstrated ability to respond to and deal effectively with diverse situations which require good judgment, tact, and diplomacy
- Experience supervising an office staff, with strong communication and delegation skills
- Ability to work at times for extended and unpredictable hours and to travel periodically

The ideal candidate also will have:

- Legal education background or legal work experience
- Experience working with the international donor community in Uzbekistan

Please send a cover letter and curriculum vitae via fax to 152-74-77 or via email to Indira@abaceeli.uz. Telephone inquiries will not be accepted.

Application deadline: April 25, 2003

American Bar Association
Central European and Eurasian Law Initiative
A Project Developed by the Section of International Law and Practice

CEELI
Promoting the Rule of Law

The American Bar Association's Central European and Eurasian Law Initiative seeks an experienced **oral and written Translator** for immediate hire in its Tashkent office.

The successful candidate must have:

- A minimum of three years experience as a professional translator with educational background in language and/or translation studies
- Excellent written and simultaneous oral translation in Uzbek, Russian and English
- Demonstrated ability to execute precise translation tasks under tight deadlines
- Ability to work at times for extended and unpredictable hours and to travel periodically

The ideal candidate also will have:

- Knowledge and/or experience translating legal terminology
- Experience working with the international donor community in Uzbekistan

Short-listed candidates will be screened for language and translation proficiency. Selected candidate will be offered open-ended, at-will contract with competitive salary and benefits commensurate with experience.

Please send a cover letter and curriculum vitae via fax to 152-74-77 or via email to Indira@abaceeli.uz. Telephone inquiries will not be accepted.

Application deadline: April 25, 2003

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК
“Lok Kolor Sintez” QX
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА

КЕНГ АССОРТИМЕНТДА КЎЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- ✓ юқори сифатли лак-бўёқ маҳсулотлари (қурилиш ва саноат эҳтиёжлари учун);
- ✓ тикув маҳсулотлари (иш кийимлари, кўрпа-ёстиқ буюмлари ва бошқалар).

ШУНИНГДЕК:

- ✓ эмульсиявий елим (қурилиш ва саноат эҳтиёжлари учун);
- ✓ сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган МР-3 русумли электродлар (конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган);
- ✓ L 80-120 қурилиш михлари.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@onlaine.ru

футбол

...Ғалабанга ҳамма зор!

15 апрель куни Ўзбекистон XII миллий чемпионатининг IV уйинларини «Насаф» ва «Пахтакор» жамоалари янқулашди. Қаршининг «Насаф» жамоасини қабул қилган «Пахтакор»чилар яна бир ғалабани қўлга киритишди. Гарчи учрашувнинг дастлабки дақиқаларида пойтахтликларнинг ўйини унчалик қовушманган бўлса-да, биринчи бўлимининг иккинчи ярмида Гочкули Гочкулиев томонидан киритилган тўп икки томонни ҳам шиддат билан ҳаракат қилишга даъват этди. Яъни бу гол «Пахтакор»чиларни руҳлантириб юборган бўлса, қаршиликларга орта қолмасликка туртки берди. Учрашувнинг иккинчи бўлими эса мазкур ҳафта бошида бўлиб ўтган Англиянинг «Манчестр Юнайтед» ва «Ньюкасл» жамоалари ўртасида кечган ўйинни эслатди. Унда ҳам, бунда ҳам ҳаракатлар бир хил — шиддатли эди.

Айтиш жоизки, бу иккала жамоа таркибида ҳам етакчи ўйинчилар борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос ўринга эга. Шу бонс ҳам футбол мухлислари истеъодли футболчиларни қадрлайди. Мана шундай ўйинчилар сирасига пахтакорчи Зайниддин Тожиёвни ҳам киритиш мумкин. Жароҳати бонс бир нечта учрашувларни ўтказиб юборган З. Тожиёвнинг яна майдонга қайтиши мухлисларни шодлантирганани аниқ. Эътибор берган киши ушбу футболчининг майдонга тушиши билан «Пахтакор» жамоасида янада кескинлик юзага келганини пайқатган бўлса ажабмас. Иккинчи таймда рақиб жамоа дарвозаси олдида хавфли вазиятларнинг юзага келишида Зайниддиннинг ҳиссаси катта бўлди. У гол майдоннинг марказида, гоҳ ҳимоя чизигида пайдо бўлиши билан машҳур футболчи, алаши Зиланини эслатиб юборди. Ва унинг ҳаракатлари зое кетмади. Тожиёвнинг ташаббуси билан бошланган ҳужумни Сервер Жепаров маромига етказди — 2:0. Шундай қилиб, «Пахтакор» рақиб жамоа устидан ғалаба қозониб, турнир жалвалида 15 очко билан қарвонбошлик қилмоқда. Истаранки, мана шундай ғалаба нашидасини суриш 22 апрелда бўлиб ўтдиган «Пахтакор» ва «Бекте-ро» беллашувида ҳам насиб этсин.

Максуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Корхона ўз маҳсулотлари ҳақидаги аниқ маълумотларни сизлар учун қуйидаги газета ва журналларда чоп этади.

БИЗНИНГ РЕКЛАМАМИЗНИ КУЗАТИБ БОРИНГ!
(«Оптовик», «Престиж» журналлари, «Халқ сўзи», «БВВ», «Налоговые и таможенные вести» газеталари).

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Жаҳон иқтисодиёти Ва дипломатия университетининг қотибдаги Бошқарув институти

ПУЛЛИК КУРСЛАРИГА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Компьютер курсига
 - 4 та бошланғич дастурлар
 - 4 та махус дастурлар
2. 21-НСБУ — янги режа ҳисоблашга ўтиш

67-17-05
67-14-46

«MAKSIMA» мебель салони
Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёриткичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

«MAKSIMA» АРТ-ДИЗАЙН СТУДИЯСИ
хонадонингиз, ҳовлинингиз дизайнини яқка тартибда ишлаб беради. КАТАЛОГ бўйича бюртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бориш — БЕРУЛ.

Тушликни ва дам олиш кунингиз ишлаймиз.

Манзил: Д. Қўнов (с. Саперна) қўчаси, 40-уй, (сўлаб) «Миробас» болонри
Телефонлар: 111 14-49, 152-74-04
E-mail: maksima@online.ru

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг жамоаси вазир маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикасининг Фавқулода ва Мухтор элчиси, Ибн Сино халқаро мукофоти лауреати Шамсуддинхон БОБОХОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси таҳрирининг журналисти сўбик бош расмони Эмал РЎЗИБОВНИНГ вафот этганини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзкоммунизм» агентлиги жамоаси бошқарув аппаратининг бўлими бошлиғи Акмал Нормуродова ўқиси Ҳасан НОРМУРОВОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббасхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болшев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қўшберенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Хайдаров, Ҳ. Хошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газеталар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рухбатдан ўтиш тартиби № 00001
Буёртма 1 — 334, 30179 нусхада босилган.
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қўлдан бичими А—2

Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қотдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□—Тижорат материалли

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров.
Навбатчи — К. Эмоматов.
Мусахҳах — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00 Тошириш вақти — 21.20 1 2 3 4 5 6